

Мирзаева Гулмера Махманазар қизи,
Қарши давлат университети “Меҳнат таълими”
кафедраси мустақил тадқиқотчиси

ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА “ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АСОСЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИ STEAM МЕТОДИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

УДК: 37.012.7

МИРЗАЕВА Г.М. ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА “ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АСОСЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА STEAM МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мазкур мақолада Умумий ўрта таълим мактаблари Технология таълими дарсларида “Халқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. Бунинг учун бугунги кунда халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришнинг ижтимоий ҳимоя сифатидаги аҳамияти, унинг асосий йўналишлари, давлатимиз томонидан ҳунармандларга берилган имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, танланган мавзуни ўқитишда STEAM методидан фойдаланишнинг афзалликлари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: каштачилик, зардўзлик, лойиҳалаш, конструкциялаш, STEAM методи.

МИРЗАЕВА Г.М. СОВЕРШЕСТВОВАНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ НА УРОКАХ ТЕХНОЛОГИИ ТЕМЫ «ОСНОВЫ НАРОДНОГО РЕМЕСЛА» С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МЕТОДА STEAM

В статье даны рекомендации по совершенствованию преподавания темы «Основы народного ремесла» на уроках технологического образования в общеобразовательных школах. С этой целью обсуждается важность развития народных промыслов как средства социальной защиты, его основных направлений, льгот, предоставляемых государством ремесленникам. Также показаны преимущества использования метода STEAM при изучении выбранной теме.

Ключевые слова и понятия: вышивка, золотое шитье, дизайн, конструирование, метод STEAM.

MIRZAYEVA G.M. STEAM METHOD OF TEACHING «FUNDAMENTALS OF FOLK CRAFTS» IN TECHNOLOGY LESSONS BASICIMPROVEMENT

The article provides recommendations for improving the teaching of «Fundamentals of Folk Crafts» in the lessons of technology education in secondary schools. To this end, the importance of the development of folk crafts as a social protection, its main directions, the benefits provided by the state to artisans were discussed. The advantages of the STEAM method implementation in teaching the selected topic are also discussed.

Keywords: embroidery, gold embroidery, design, construction, STEAM method.

Кириш. Ўзбек халқ ҳунармандчилиги инсониятнинг пайдо бўлишидан бошлаб ўзининг кўп асрлик тарихий тараққиётига эга. Тош асрдан бошлаб бугунги кунга қадар ривожланиб ўзига хос миллий хусусиятларни жамлаб алоҳида характерли томонларини намоиш этиб келмоқда. Тарихий тараққиёт давомида ўзбек халқ ҳунармандчилиги гоҳ юксалиб, гуллаб яшнаган, гоҳида пасайиш тенденциясида бўлиб ривожланиш жараёни асрлар оша яшаб келмоқда. Буни Собиқ Иттифоқ даврида ўзбек халқ ҳунармандчилигининг ривожланишини пасайиши мисолида қўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда, қатор қарор ва қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарорида шундай дейилади: «Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. 2020 йил давомида ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури учун 589,3 млрд. сўм миқдоридан (шундан, 470 млрд. сўм (50 млн. АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан кредитлар ажратиш, имтиёзлар қўллаш ҳақида тўхталиб ўтилган¹.

Бунда асосий кўзланган мақсад нафақат аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш, балки биз ўзлигимизни намоён қилиш, жаҳон халқлари орасида ўзимизни энг чиройли, нафис, жозибали санъатимизни кўз-кўз қилиш, асрлар давомида ривожланиб сайқал топиб келаётган қўл меҳнатига

ёки кичик механизация воситасига асосланган фаолият турларимизни танитиш орқали ёки тайёрланган буюмларимизга нисбатан жаҳон халқларига қизиқиш уйғотиш, қолаверса экспорт ва импортни йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5242-сон Фармони²да ва ушбу фаолиятни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишларни амалга ошириш вазифалари қўйилган. Ушбу қонун ҳужжатларида ҳунармандчилик фаолиятига қўйидагича таъриф берилган.

«Ҳунармандчилик фаолияти – халқнинг тарихан қарор топган, махсус билимлар, кўникмалар, сир-асрорлар, услубларга асосланиб, қўл меҳнати, асбоб-ускуналар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланиб, анъанавий ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда маиший, уй-рўзғор, бадиий буюмлар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), тайёрлаш бўйича ижодий ёки профессионал фаолият бўлиб ҳисобланади.

Халқ ҳунармандчилигининг асосий йўналишларига қўйидагилар киради: ганч ўймакорлиги, гиламчилик, газламачилик, тош ўймакорлиги, миниатюра, тасвирий санъат, наққошлик, хаттотлик ва абру баҳор, кандакорлик, темирчилик, тунукасозлик, косибчилик, миллий либослар тайёрлаш, бош кийимлар тайёрлаш, ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, каштадўзлик, зардўзлик, мусиқа асбоблари, кулоллик, чиннисозлик, қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик буюмлари муаллифлик мебеллари, ўйинчоқлар, майда ҳайкалтарошлик буюмлари, чармсозлик, муаллифлик мебеллари, дурадгорлик, новдалардан буюмлар тўқиш, саватсозлик, шишасозлик, ҳажмли ва шаклли қолипларда қўйилган буюмлар, соатсозлик, эмаль билан қоплаш ишлари, эсдалик буюмлари, оддий металлдан миллий услубда тайёрлан-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарори. - <https://lex.uz/docs/4622088>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5242-сон Фармони. - <https://lex.uz/docs/3416134>

ган тақинчоқлар, матога гул босиш ва кигиз босиш каби турларга бўлинади.

Мақсад. Бугунги кунда халқ ҳунармандчилигини ўрганиш олий таълим муассасаларининг Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида “Халқ ҳунармандчилиги ва бадий лойиҳалаш” фанини ўқитиш жараёнида ва умумий ўрта таълим мактабларида “Технология таълими” фанида ўқитилади.

“Технология таълими” фанида “Халқ ҳунармандчилиги асослари” ҳақидаги билим элементлари дастлаб 5-7 синфларда ҳар бир синфда 6 соатдан жами 18 соат миқдоридан берилади. Бунда мактаб ўқувчилари, зардўзлик, каштадўзлик, тўқувчилик ва бошқалар тўғрисида дастлабки билимларни, амалий кўникмаларни эгаллайдилар. Яъни: зардўзлик, каштадўзлик ва бошқаларда ишлатиладиган материаллар, қўлланиладиган жиҳозлар, тайёрланадиган буюмлар ҳақида маълумот оладилар. Ўзлари ўқитувчи раҳбарлигида ўқув дастурига киритилган мавзу юзасидан бирор буюмни тайёрлайдилар. Ўзбек халқ ҳунармандчилигининг жуда кўп йўналишга эга эканлигини ва бу йўналишларнинг ҳар бири орқасида маълум касблар ётганлигини ва ижтимоий ҳимоя воситаси сифатида қарайдиган бўлсак, мактаб ўқув дастурида режалаштирилган соатларни қанчалик даражада кичик эканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун Технология дарсларида “Халқ ҳунармандчилиги асослари” бўлимини ўқитиш сифати ва самарадорлигини яхшилаш ўқувчиларни фанга ва касб-ҳунар сирларини ўрганишга йўналтириш, креативлик, инноваторлик қобилиятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили. Ўзбек халқ ҳунармандчилиги бўйича санъатшунос ўзбек олими С.Булатовнинг “Ўзбек халқ амалий безак санъати”¹ номли китобида Халқ ҳунармандчилиги йўналишлари алоҳида кўрсатилиб ҳар бир йўналишнинг тарихи, асосий мактаблари, йўналишнинг мазмуни, ишлатиладиган материаллар ва жиҳозлар ҳақида маълумот, қўлланилиши, кўرғазмаларни

ташкил қилиш, машғулотларни ўтказиш бўйича тавсиялар берилган. Ўзбек олими Ғ.Фуломовнинг “Амалий санъат”² номли китобида амалий санъатнинг наққошлик йўналишига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шарипов Ш., Муслимов Н., Толипов Ў., Қўйсинов О., Абдуллаева Қ., Сатторов И., Ахмадалиев С., Мўминова М. томонидан ёзилган 5-синф учун Технология таълими дарслигида Халқ ҳунармандчилиги технологиясининг ўқитиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. 6-7-синф мактаб дарсликларида ҳам халқ ҳунармандчилигининг қуроқчилик техникаси ўйинчоқлар яшаш, ёғоч ва метални уйғунлаштирувчи халқ ҳунармандчилиги ҳақида маълумот берилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгунга қадар 5-9 синфлар учун “Технология” фанидан яратилган ўзбек тилидаги дарсликлар деярли мавжуд эмас эди. Фақат мустақилликдан сўнг мактабларимиз Технология фанидан стабил дарсликларга эга бўлишди.

Мақоланинг илмий янгилиги:

– технология таълими дарсларида ўқувчиларида “Халқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитишнинг шарт-шароитлари аниқланди;

– халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришнинг давлат миқёсидаги аҳамияти ва ижтимоий ҳимоя воситаси эканлиги кўрсатиб ўтилди;

– умумий ўрта таълим мактабларида “Халқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитиш сифатини яхшилаш ўқувчиларнинг келажакда касб-ҳунарга йўналтиришдаги аҳамияти таъкидланди;

– “Халқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитишда STEAM методи қўлланилди ва таълим сифати яхшиланди.

Тадқиқотнинг объекти: Умумий ўрта таълим мактабларида Технология таълимини ўқитиш жараёни.

¹ Шарипов Ш., Муслимов Н. ва бошқалар. Меҳнат таълими. 5-синф. – Т.: “Шарқ”, 2012. – 239 б.

² Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: “Меҳнат”, 1991. 384 б.

Асосий қисм.

Қуйида 5-синф Технология дарсларида **Миллий ўйинчоқ тикиш технологияси мавзусини STEAM методи асосида ўқитиш** бўйича ўтказилган дарс ишланмасини келтирамиз. STEAM методи 6 та босқичдан иборат бўлиб улар қуйидагилар: савол (вазифа), муҳокама, дизайн, қуриш, синовдан ўтказиш ва ривожлантириш. STEAM атамаси илк бор АҚШда мактаб дастурига киритилган бўлиб, ўқувчиларнинг илмий техника йўналишларида компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган. Кейинчалик бу йўналиш кенгайтирилиб, атамага қўшимча ҳарфлар киритилди. Жумладан: "R"- robotic робототехника қўшиб STEAM-деб ёки "A"-art санъатни қўшиб STEAM деб атала бошланди.

STEAM (S-фан, T-технология, E-муҳандислик, A-санъат, M-математика) - илм-фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикани бирлаштирувчи замонавий ёндашув¹.

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни Миллий ўйинчоқ тикиш технологияси билан таништириш ва касб-ҳунар сирларини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: эстетик тарбия, миллий анъаналарга содиқлик, ватанпарварлик, миллий ғурур, ватанга садоқат, масъулият ҳисини тарбиялаш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: ўқувчиларни инноваторлик, дизайнерлик, креативлик, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш.

Дарсда қўлланиладиган усуллар:

ўқувчиларда интегрatív ёндашув асосида муҳандис-технологик қобилиятларини ривожлантиришда қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали ҳисобланади:

баҳс-мунозара методи ёрдамида ўқувчилар фаоллаштирилади;

таҳлил ва синтез жараёнлари ва муҳокама қилиш орқали буюм тайёрлаш технологияси кетма-кетлиги кўрсатиб берилади, унинг қисқа ёзуви, жавоб таҳлили ўтказилади ва ягона бир хулосага келинади;

янги дизайн яратиш жараёнида мунозара методининг асосий қоидаларига амал қилинади, баҳс-мунозара ўтказиш кўникмалари шакллантирилади;

таълим жараёни қиёсий таҳлил қилинади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари фаолияти кузатилади, технология таълимини ўрганишга бўлган муносабатнинг қай тарзда кечаётганлиги аниқланади;

технология ўқитувчиларининг дарс ишланмаларида STEAM методини қўллаш орқали интегрatív фикрлашга йўналтирилган масалаларнинг қўйилишига эътибор қаратилади.

Дарс ўтиш учун керакли жиҳозлар: турли газлама парчалари, чарм, поролон, тасма, пахта, синтефон, клеёнка, игна, ип, тугмачалар, тақинчоқлар, турли тери.

Таянч компетенциялар:

Коммуникатив компетенция: мавзунини оғзаки ва ёзма тушунтиришда мантиқий кетма-кетликда ва изчилликда баён эта олиши;

Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси: жисмоний, руҳий, маънавий камолотга етказишга интилиш;

Технологик компетентлиги: илм, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши, миллий қўғирчоқ тикиш технологиясини ўзлаштириши;

Ахборот билан ишлаш компетенцияси: турли манбалар билан ишлай олиши, радио, телевизор, телефон ва интернетдан маълумотлар ола билиш ва амалиётда қўллашга ўрганиш.

Ўқитувчи дарсни **мотивацион босқичида** ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан муножаат қилади: Ўзбек халқ миллий анъаналарига қайси маросимлар, байрамларни мисол қилиш мумкин? Миллий халқ хунармандчилиги деганда нимани тушунасиз? Миллий қўғирчоқларимиз ҳақида эшитганмисиз? Улар қандай тайёрланади? Миллий қўғирчоқларимизни тайёрлаш учун қандай материаллар керак бўлади? Бу жараёнда саволлар кетма-кетлиги қизиқарли, ўқувчилар томонидан жавоб бериш унчалик қийин бўлмаган оддий саволлардан бошланиб, аста-секин дарснинг мақсадида кўзда тутилса вазифа сари борилади.

¹ Крючков В. STEAM: секреты инновационной методики. <https://robotlab.by/novosti/steam-sekrety-innovacionnoj-metodiki.html>

Ўқитувчи бугунги дарсни мавзусини эълон қилади ва ўқувчиларга кириш йўриқномасини беради: миллий қўғирчоқ тикиш учун қандай материаллар керак бўлишини тушунтиради. Бунинг учун стол устида турган материаллар ва жиҳозлар орасидан керакли воситаларни танлашни ўқувчиларга **вазифа** сифатида топширади. Ўқитувчи танланган воситаларни нима мақсадда ишлатилиши юзасидан ўқувчилар билан баҳс-мунозара юритиб, **муҳокама** қилади.

Кейинги босқичда ўқитувчи бир нечта аввалдан тайёрлаб қўйилган қўғирчоқларнинг нусхаси ёки расмларидан фойдаланиб модел танлашни ва унга қандай янгилик киритишимиз мумкин? деб ўқувчиларни янги **дизайн яратишга** ундайди. Албатта, бу жараёнда мавжуд нусхалардагидан кўра фарқли равишда кийим безакларида, ишлатиладиган материаллар, тугмачалар, тақинчоқлар, тасмалар ва ҳар хил безак тошлардан фойдаланиш тавсия этилади. Керакли материаллар (поролон, пахта ва б.к.) ва тикиш учун зарур жиҳозлар (игна, ип) танлаб олингач, амалий машғулотни бажаришга киришадилар. Бунда ўқувчилар кичик гуруҳлар доирасида ёки мустақил равишда индивидуал ишлашларига рухсат берилади. Бунинг учун ўқувчиларнинг амалий машғулотни бажара олиш қобилияти, имконияти, қизиқишлари, индивидуал хусусиятлари албатта ҳисобга олиниши лозим. Чунки ўқувчиларнинг технология таълими бўйича қобилиятлари турлича эканлигини унутмаслик лозим бўлади.

Ўқувчилар мавжуд нусхаларга қараб ўқитувчи раҳбарлигида амалий машғулотни бажаришга киришади. Миллий қўғирчоқни тикиш технологияси қўйидаги кетма-кетликда олиб борилади ва STEAM методида кўрсатилган **қуриш** жараёни амалга оширилади.

1. Миллий қўғирчоқни тикиш учун аввал тана қисми тайёрлаб олинади. Тана қисми синтефон ёки пахта билан тўлдирилади. Тана қисми учун зич тўқилган очиқ рангдаги сидирға газламадан фойдаланилади.

2. Сўнгра сочлари қора жун ёки ипдан тайёрланиб ёпиштирилади ёки тикиб қўйилади.

3. Қўғирчоқнинг юз қисми: қошлари қора, кўзлари учун оқ ва қора, лаблари қизил,

бурун қисми тешиклари учун малла(ёки қора) ранг танланиб кашта билан безатилади.

4. Тайёр бўлган қўғирчоқ учун миллий газламалар атлас, адрас, беқасам ва б.к лардан қўйлак тикиш учун тайёр қўғирчоқдан ўлчам олинади ва чизмаси чизилиб андаза тайёрланади. Қўйлакни бичишда қўғирчоққа кийдириш осон бўлиши учун орқа қисми белгача очиладиган ва тақилма билан беркитилишини назарда тутиш ва ушбу ҳол лойиҳалашда эътиборга олиниши керак.

5. Қўйлакнинг бўйин айланаси, енгининг учлари, этак қисми турли бурмалар, безаклар, тошлар, тақинчоқлар билан безатилиши мумкин ва бу ўқувчиларнинг эстетик қобилиятларига боғлиқ равишда танланади.

6. Қўғирчоқ учун лозим ҳам тикиб почаси жияк ёки кашта билан безатилади.

7. Қўғирчоқнинг кавуши қора рангдаги исталган газламадан тайёрланади. Бунда берилган ўлчамда кавуш тикилиб, синтефон билан тўлдирилади ва қўғирчоқнинг оёқ учларига тикиб қўйилади.

Тайёр қўғирчоқларни баҳолаш учун мезонлар танлаб олинади: кетган вақт, ўлчамлар, дизайн, иш ўринини ташкил қилиниши, тартиб-интизом, ишга масъулият билан ёндашиш, жамоадаги иштироки, индивидуал бажарганлиги ва бошқалар.

Масалан: Ўқувчиларни баҳолаш мезонлари "5" балли шкала асосида қуйидагича қилиб белгилаб олинди (1-жадвал).

Ўқувчиларнинг билими баҳоланаётган вақтда якуний йўриқнома ўтказилади. Тайёр қўғирчоқлардан энг чиройли тикилгани кўргазма учун намуна сифатида олиб қўйилади (Синов босқичи).

Уйга топшириқ сифатида янги конструкцияларни яратиш, лойиҳалаш ва дизайн жиҳатдан яна нималар қилиш мумкинлиги ҳақида **ривожлантиришга** оид топшириқ берилади ва кейинги дарсни бошлашдан аввал кўриб чиқилади.

Танланган мавзуни STEAM методи асосида ўқитишда нафақат мавзу ўзлаштирилади, балки ўқувчиларнинг билимлари интеграллашади, Технология таълимида қўғирчоқ яшаш учун керакли материаллар ва уларнинг хоссалари, жиҳозлар билан танишадилар, ўлчам олиш жараёнида математикага оид билимлари амалиётда қўлланилади, табиий фан-**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ** 2021, 1 (98)

1-жадвал. Ўқувчиларни баҳолаш мезонлари

Вақт	Ўлчамлар	Дизайн	Иш ўрини-ни ташкил қилиш	Тар-тиб-инти-зом	Масъу-лият билан ёнда-шиш	Таълимнинг шакли:	
						кичик гуруҳда	индиви-дуал
1	1	1	0,2	0,2	0,20,4	0,2	1

2-жадвал. STEAM методи асосида шаклландиган билим ва кўникмалар турлари

Технология	Математика	Табиий фанлар	Муҳандислик
Миллий қўғирчоқ ва миллий газламалар ҳақида билимга эга бўлади; керакли жиҳозларни танлаш ва режалаштириш кўникмаси шаклланади; қайчи билан газламани қирқиш, тайёрланаётган буюмни пардозлаш кўникмаси шаклланади;	Моделлаштириш жараёни ҳақида билимга эга бўладилар. Чизғич ёрдамида ўлчаларни бажариш, қанча материал кетишини ҳисоблаш, шакл танлаш кўникмасига эга бўладилар.	Материаллар танланаётган-нида мустаҳкамлиги, зичлиги, киришиши, чўзилиши ва оғирлигини ҳисобга олиш ҳақида билимга эга бўладилар.	Лойиҳалашни ўрганадилар, янги конструкция яратадилар, миллий қўғирчоқ тикиш учун мезонлар танлаб олинади, оптимал вариантни танлашни ўрганадилар, прототип яратилади, дизайн ҳақида билим ва кўникмага эга бўладилар.

ларга оид билимлари мустаҳкамланади, қолаверса тикувчилик технологияси билан танишадилар, муҳандис-технологга оид билимлар: лойиҳалаш, конструкциялаш, оптимал вариантларни танлаш, прототипни яратиш, дизайн қобилиятлари ва технологик компетентлиги шакллантирилади.

Миллий ўйинчоқ тикиш технологияси мавзусини STEAM методи асосида ўқитиш жараёнида қуйидаги билим, кўникмалар шакллантирилади (2-жадвал):

Тадқиқот натижалари.

Шундай қилиб, Технология таълимида “Халқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитишни яхшилаш қатор муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради:

- биринчидан, ўқувчилар 20 дан ортиқ турли йўналишдаги касб-ҳунарлар ва уларнинг иш мазмуни билан таништирилади;
- иккинчидан, турли хилдаги материаллар асбоб-ускуналар, энг оддий механизациялашмаган жиҳозлар билан ишлаш бўйича билим ва кўникмага эга бўладилар;
- учинчидан, ўз қўллари билан бирор буюмни ясайдилар, янги дизайн яратадилар;
- тўртинчидан, ўқиётган фанларини бири-бирига мувофиқлаштириш имконияти вужудга келади.

Хулосалар:

– технология таълимида “халқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитиш учун ажратилган соатни камлигини ҳисобга олиш, қисқа вақтда катта ҳажмдаги материални бериш, таълим сифатини яхшилаш учун янги методлардан фойдаланиш машғулотнинг самарадорлигини ошишига олиб келади;

– технология таълимида STEAM методи қўллаш ўқувчиларни фанларни ўзаро интеграциясини тушуниб олишларига ёрдам беради, назариядан олинган билимлар амалиётда қўлланилади;

– ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, буюм ясаш жараёнида вақтни ҳисобга олиш, материал ресурсларни тежаб ишлатишга ўргатади, ақли ва қўллари барабар ишлайди;

– ўқувчилар муҳандис-технолог доира-сидаги вазифаларни бажариш учун дастлабки билимларни оладилар: лойиҳалаш, конструкциялаш, янги дизайн яратиш бўйича таклифлар киритадилар;

– буюм яратиш вақтида индивидуал, кичик гуруҳли ва фронтал топшириқларни бажарадилар, ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шаклланади;

“Халқ ҳунармандчилиги асослари” бўлимини ўқитишни такомиллаштириш ўқувчиларни турли касблар билан таништирилади, уларнинг сир-асрорларини билиб олишга ундайди, каштачилик, зардўзлик,

тикувчилик, ёғоч уймакорлиги ва бошқаларга оид билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Таклифлар:

1. *Технология таълимида “ҳалқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитиш* сифатини доимий равишда таҳлил қилиш ва ривожлантириш моддий ва иқтисодий жиҳатдан ижобий натижаларни таъминлашини аниқлаш.

2. “Халқ ҳунармандчилиги асослари” мавзусини ўқитишни умумдавллат аҳамиятига эга

эканлигини ҳисобга олиш ва ишлаб чиқилган илмий тадқиқот натижаларидан таълим жараёнида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.

3. Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ва малакасини ошириш институтларида нафақат педагогик-методик-технологик тайёргарлик даражаларини балки мутахассисликка оид касбий, ихтисосликка оид билим, кўникма ва малакаларини доимо ошириб бориш.

Адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сон қарори. - <https://lex.uz/docs/4622088>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5242-сон Фармони. - <https://lex.uz/docs/3416134>

3. Шарипов Ш., Муслимов Н. ва бошқалар. Меҳнат таълими. 5-синф. – Т.: “Шарқ”, 2012. - 239 б.

4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. - Т.: “Меҳнат”, 1991. 384 б.

5. Ғуломов Ғ. Амалий санъат. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2007. – 96 б.

6. Крючков В. STEAM: секреты инновационной методики. -<https://robolab.by/novosti/steam-sekrety-innovacionnoj-metodiki.html>